

## ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ҚОЗОҒИСТОННИНГ БИРИНЧИ ПРЕЗИДЕНТИ БИЛАН ТЕЛЕФОН ОРҚАЛИ МУЛОҚОТ ҚИЛДИ

1 декабрь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Қозоғистон Республикаси Биринчи Президенти — Элбоши Нурсултон Назарбаевнинг телефон орқали мулоқоти бўлиб ўтди.

Сўхбат аввалида давлатимиз раҳбари Нурсултон Назарбаев ва қардош Қозоғистон халқини Қозоғистон Республикасининг Биринчи Президенти куни билан самимий қутлади.

Элбошининг замонавий Қозоғистонни барпо этиш ва изчил ривожлантириш, мамлакатнинг халқаро майдондаги нуфузини оширишдаги тарихий роли, шунингдек, Марказий Осиё минтақасида дўстлик ва яхши қўшничилик муносабатларини мустаҳкамлашга қўшган катта ҳиссаси алоҳида қайд этилди.

Икки мамлакат етакчилари Ўзбекистон ва Қозоғистон ўртасидаги стратегик шериклик, ўзаро ишонч ва қўллаб-қувватлаш принципларига асосланган кўп қиррали муносабатларнинг бугунги даражасини юқори баҳоладилар.

Аввало, савдо-иқтисодий соҳада кенгайиб бораётган

амалий ҳамкорлик мамнуният билан қайд этилди. Пандемия оқибатларига қарамай, савдо, саноат, қишлоқ хўжалиги, транспорт ва логистика, бошқа устувор йўналишларда янги лойиҳалар амалга оширилмоқда.

Коронавирус инфекциясининг барвақт олдини олиш ва самарали даволаш масалаларида саъй-ҳаракатларни яқиндан мувофиқлаштириш давом этмоқда.

Маданий-гуманитар алмашинувлар кенгайиб, ҳудудларро ҳамкорлик бўйича қўшма лойиҳалар устида иш олиб боришмоқда.

Телефон орқали мулоқот чоғида халқаро ва минтақавий аҳамиятга молик долзарб масалалар юзасидан ҳам фикр алмашилди.

Ўзбекистон ва Қозоғистон етакчиларининг сўхбати ҳар доимгидек самимий ва дўстона руҳда ўтди.

## БИЗ ва ЖАҲОН

## Ўзбекистон — Ҳиндистон: МАДАНИЙ-ГУМАНИТАР АЛОҚАЛАРНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИ



Ўзбек ва ҳинд халқларининг азалий дўстлик алоқалари сўнгги йилларда янгича суръат ҳамда мазмун касб этиб, ўзаро манфаатли ҳамкорликнинг барча жаҳаси, жумладан, маданий-гуманитар соҳада ҳам изчил ривож топмоқда.

### «Халқ сўзи» учун махсус

Ўзбекистон ташқи ишлар вазирининг ўринбосари Фурқат Сидиков “Дунё” ахборот агентлиги муҳбирига берган интервьюсида ушбу йўналишдаги муносабатларнинг замонавий ҳолати ва истикболлари ҳақида сўзлаб берди.

— Мамлакатимиз мустақилликка эришгач, Ҳиндистон билан ҳамкорлигимизнинг янги саҳифаси очилди. Ҳиндистон Ўзбекистон суверенитетини

биринчилардан бўлиб тан олган давлатлар қаторига кирди.

Икки давлат серқирра муносабатлари, айниқса, сўнгги тўрт йилда янада жадал ривож топмоқда. Бунда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2018 ва 2019 йилларда Ҳиндистонга амалга оширган ташрифлари натижалари, икки давлат раҳбар-

лари ўртасидаги самимий ҳамда конструктив мулоқот алоҳида аҳамият касб этмоқда.

Президентимиз 2018 йилнинг кузида Ҳиндистонга давлат ташрифи чоғида халқларимизни тарихий ришталар, ўхшаш анъаналар, маънавий ва маданий яқинлик боғлаб туришини алоҳида таъкидлади.

Давлатимиз раҳбари бугунги кунда Ҳиндистон жадал ривожланаётгани, замонавий қиёфа касб этаётгани, унинг қудратли ва иқтисодиёти ривожланган мамлакат сифатида жаҳондаги ўрни тобора мустаҳкамланаётганини қайд этди.

“Биз олий даражадаги учрашувларимиз натижасида фаоллашиб бораётган Ўзбекистон — Ҳиндистон муносабатларининг бугунги суръатини юқори баҳолаймиз”, деди Президент Шавкат Мирзиёев.

Ўзбекистон раҳбари 2019 йил январь ойида Ҳиндистонда “Жўшқин Гўжарат” халқаро саммитидаги нутқида ушбу давлат билан узоқ муддатли стратегик шерикликини мустаҳкамлаш — Ўзбекистон ташқи сиёсатининг устувор йўналишларидан бири эканини алоҳида таъкидлаб, қатор ташаббусларни илгари сурди, жумладан, маданий-гуманитар алмашинуви янада кенгайтириш масалаларига алоҳида эътибор қаратди.



### Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

## ҚАТЪИЙ ФИКР, МУСТАҲКАМ ПОЗИЦИЯ ОРҚАЛИ ХАЛҚ ИШОНЧНИ ОРТАДА

Қонун лойиҳалари муҳокамаларининг қизғин баҳс-мунозара тарзида ўтиши, унда депутатларнинг фаол иштироки ҳужжатларнинг ҳар томонлама пишиқ-пuxта тайёрланишида, ҳаётимизга самарали татбиқ этилишида муҳим ўрин тутди. Чунки қатъий фикрга, мустаҳкам позицияга эга ҳалқ вакили қонун лойиҳаларига овоз беришда халқимиз манфаатларидан келиб чиқиб ёндашади. Пировардида бу, сайловчилар ишончини оқлашга хизмат қилиши, шубҳасиз.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг кеча бўлиб ўтган навбатдаги мажлисида мамлакатимиз ижтимоий, иқтисодий ҳаётига оид бир қатор қонун лойиҳалари ана шу нукта назардан теран ва батафсил кўриб чиқилди.

### 2021 йилги Давлат бюджети: Айрим соҳаларга қўшимча маблағлар ажратишига эришилди

Депутатлар “2021 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида”ги қонун лойиҳасини иккинчи ўқишда муҳокама қилдилар.

Қонун лойиҳасини биринчи ўқишда кўриб чиқиб жараёнида барча сиёсий партия фракциялари ўз позициясини билдириб, қатор таклифларни илгари сурган эди. Биринчи ўқиш билан иккинчи ўқиш оралиғида бўлиб ўтган фракциялар, масъул қўшма ханда ишчи гуруҳ йиғилишларида қонун лойиҳасини тақомиллаштиришга қаратилган 100 га яқин таклифлар билдирилди.

Давлат бюджети ҳар бир сиёсий партиянинг электоратига бевосита алоқадор эканлигидан келиб чиқиб, унинг нормала-

ри қизғин баҳс-мунозараларга сабаб бўлди. Муҳокамалар натижасида қонун лойиҳасининг муайян нормаларига аниқлаштирувчи тузатишлар, шунингдек, тегишли моддаларга 23 та принципий ўзгариш ва қўшимчалар киритилди. Депутатларнинг таклифлари асосида лойиҳа яна бир янги модда билан тўлдирилди. Бундан ташқари, депутатлар таклифига кўра 2021 йил учун Давлат бюджети лойиҳасида умумтаълим мактабларини жиҳозлаш учун қўшимча 100 миллиард сўм, “Эл-юрт умиди” фондига қўшимча 32,5 миллиард сўм, Ахборот-кутубхона марказларида кутубхона фондини янгилаш ва тўлдириш учун 5 миллиард сўм маблағ ажратиладиган бўлди.

Мажлисида депутатлар келажак ворисларининг тарбия ўчоғи — мактаблар ва таълим-тарбия масалаларига йўналтираётган бюджет маблағларини қўпайтириш имкониятларини қайта кўриб чиқишни тавсия этдилар. Жумладан, мактабларда бошланғич ҳарбий тайёргарлик соҳасига мутасаддилик қилаётган директор ўринбосари моддий таъминотини бошқа

ўринбосарларга тенглаштириш, санъат йўналишида ўрта таълим муассасаларида таҳсил олаётган кўзи ожиз ногиронлиги бўлган ўқувчиларнинг тўловсиз таълим олишини таъминлаш, мактаблар қайта қурилиши ва таъмирланишига ажратилаётган маблағларни қўпайтириш масалаларига ҳам жиҳдий ёндашишди.

Депутатлар кўтарган ҳар бир муаммо юзасидан тегишли вазирлик ва идоралар раҳбарлари томонидан батафсил ва тўлақонли мазмунда жавоблар берилди. Айниқса, мактаблар кесимидаги маблағларни қўпайтириш ҳақидаги ахборот, кўзи ожиз ногиронлиги бўлган ўқувчиларнинг таҳсил олишини тўловсиз тартибга ўтказиш тўғрисидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжат имзоланиш арафасида эканлиги тўғрисидаги жавоблар депутатлар томонидан яхши қўтиб олинди.

Шу билан бирга, халқ вакилларининг Давлат бюджети даромадларининг манбалари ва харажатларини таҳлил қилиши натижасида давлат дастурлари доирасида ажратилиши лозим бўлган маблағларни 2021 йил бюджетига акс эттиришга эришилди. Жумладан, соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш, аҳолининг соғлом овқатланишини, тиббий профилактика ишлари самарадорлигини янада ошириш, бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасалари фаолиятига янги механизмларни жорий қилиш харажатларига 63,4 миллиард сўм, юриш, югуриш, мини-футбол, велоспорт, бадминтон, стритбол ва “Workout” спорт турларини ривожлантириш дастурига 104 миллиард сўм маблағ ажратиладиган бўлди.



## Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ

## Коронавирус пандемияси ва глобал инқироз ҳолатларининг иқтисодий тармоқларига салбий таъсирини юмшатиш бўйича чора-тадбирлар қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида

Қонунчилик палатаси томонидан 2020 йил 10 ноябрда қабул қилинган Сенат томонидан 2020 йил 20 ноябрда маъқулланган

**1-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 9 декабрда қабул қилинган «**2020 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида**»ги ЎРҚ—589-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2019 йил, № 12, 883-модда; 2020 йил, № 5, 297-модда) қуйидаги ўзгартиш ва қўшимчалар киритилсин:

(Давоми 2-бетда).



### Парламент комиссияси йиғилиши

## Барқарор ривожлантириш соҳасидаги Миллий мақсадлар ва вазифаларнинг жойлардаги ижросига бағишланди

Кеча Барқарор ривожлантириш соҳасидаги Миллий мақсадлар ва вазифаларнинг 2030 йилгача бўлган даврда амалга оширилишини назорат қилиш бўйича Парламент комиссиясининг видеоконференцалоқа шаклида йиғилиши бўлиб ўтди.

Унда Парламент комиссияси, Барқарор ривожланиш соҳасидаги Миллий мақсад ва вазифаларни амалга ошириш бўйича Мувофиқлаштирувчи кенгаш аъзолари, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларининг доимий комиссиялари раислари, Қорақўлларнинг Республикаси Вазирлар Кенгаши мутасаддилари, вилоятлар ҳокимлари, вазирлик ва идоралар ҳамда уларнинг ҳудудий бошқармалари раҳбарлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари вакиллари иштирок этди.

Олий Мажлис Сенати Раиси, Парламент комиссияси Ҳамраиси Танзила Норбоева олиб бортан йиғилишда Барқарор ривожлантириш соҳасидаги Миллий мақсадлар ва вазифаларнинг 2, 3 ва 5-мақсадлари бўйи-

ча жойларда олиб борилган ишлар ҳолатини ўрганиш натижалари юзасидан Парламент комиссияси аъзолари Б. Тожиев, Ф. Эшматова ва О. Иминовнинг ахборотлари эшитилди.

Ушбу масалалар юзасидан қишлоқ хўжалиги вазирлиги, маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги ҳамда соғлиқни сақлаш вазирлигини ҳисоботлари тингланди.

Йиғилишда озиқ-овқат хавфсизлигини мустаҳкамлаш, қишлоқ хўжалигининг барқарор ривожланишига қўмаклашиш, гендер тенгликни таъминлаш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш ҳамда аҳоли саломатлигини сақлаш борасидаги ишлар таҳлилий-танқидий муҳокама қилинди.



### 8 декабрь — Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинган кун

## ҚОНУНИЙЛИК — ЖАМИЯТ ЭҲТИЁЖИ

“Хар ким фикрлаш, сўз ва эътиқод эркинлиги ҳуқуқига эга”.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 29-моддасидан.



Жамият, аввало, фуқаролар, яъни сизу биз. Фуқаронинг биринчи эҳтиёжи эса эркин яшашдир. Хар бир давлат ва жамиятда бу эҳтиёжнинг қондириши йўлини унинг Конституцияси белгилайди ҳамда қарор қилади.

Ўзбекистон Конституцияси ана шундай шарафли ишга хизмат қилмоқда. Бундан ташқари, у давлатнинг ижтимоий ва давлат тизимини, сайлов тизимини, давлат органларининг ташкил этилиши ҳамда фаолиятини, шунингдек, фуқароларнинг ҳуқуқ ва бурчларини ҳам белгилаб беради.

Конституциянинг қудрати шундаки, мамлакат ҳудудида унинг принципларига зид қонун қабул қилиниши мумкин эмас. Чунки унинг ҳар бир моддаси умумхалқ муҳокамасидан ўтгандан сўнг қабул қилинган. Шу боис ҳам бизда “Конституция — бахтимиз қомуси”, деган ибора бор.







— **Фурқат Аҳмедович, таълим ва илм-фан соҳасидаги ҳамкорлик маданий-гуманитар муносабатларнинг салмоқли қисmini ташкил этади. Яхши биламизки, Ҳиндистон бу борада улкан салоҳиятга эга...**

— Тўғри айтасиз, Ҳиндистон илм-фан, таълим, ахборот технологиялари, тиббиёт, фармацевтика каби йўналишларда дунёда етакчи мамлакатлар қаторидан мустаҳкам жой эгаллаган.

Ҳиндистон билан олий таълим йўналишидаги ҳамкорлик 2005 йил 5 апрель куни қабул қилинган Таълим соҳасида ҳамкорлик бўйича алмашинув дастури асосида амалга оширилмоқда.

Бугун икки давлат олий таълим муассасалари ўртасида 40 дан ортиқ ҳамкорлик ҳужжатлари имзоланган. Республиканинг 22 та олий ўқув юрти 50 га яқин ҳинд университетлари билан таълимнинг турли йўналишларида меморандум ва битимлар имзоланган. Ҳамкор олий ўқув юртлири орасида Жавахарлаал Неру университети, Дехли университети, Мавлоно Озод урду миллий университети, Манипал, Гужарат, Чандигарх университети, Мирзо Фалиб институти, Ҳиндистон технология ва молия институтлари, бошқа таълим муассасалари бор.

Ўзбекистон азалдан жиндушнослик бўйича етук мутахассислар тарбиялайдиган мамлакат ҳисобланади. Юртимизда ҳинд тилини тизимли тарзда, жумладан, олий билим юртиларида ўқитиш қарийб ярим аср аввал йўлга қўйилган. Хусусан, Тошкент давлат шарқшунослик университетида Индира Ганди номидаги Ҳиндистон тадқиқотлар маркази фаолият юритмоқда.

Президентимизнинг 2019 йил 10 апрелдаги “Ўзбекистонда Шарда университетини ташкил этиш тўғрисида”ги қарорига мувофиқ, Андижон шаҳрида мазкур олий ўқув юрти ўз фаолиятини бошлади. Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институтида Ҳиндистон меҳмонхона менежменти халқаро институти билан ҳамкорликда қўшма таълим дастури жорий этилди.

Яқинда Термиз давлат университетида “Ҳинд ўқув хонаси” фаолияти йўлга қўйилди. Унинг очилиш маросимида Ҳиндистондаги Тошкентдаги элчиси Маниш Прабхат қатнашди.

Ўз навбатида, Дехлидаги Жамия Миллия Исламия университетида ўзбек тили курслари ташкил этилган. Абу Али ибн Сино номидаги Бухоро давлат тиббиёт институти Ноида халқаро университети базасида ўз филиалини ташкил этиш бўйича меморандум имзоланди. Бу билан институт Ўзбекистоннинг хорижий мамлакатларда ўз филиалини очган биринчи олий таълим муассасаси мамкамга эга бўлди.

Этиборлиси, ёшларнинг икки мамлакат олий таълим масканларида ўқишга бўлган қизиқиши деярли бир хил даражада эканини кузатиш мумкин. Масалан, 2019/2020 ўқув йилида Ўзбекистонда ҳиндистонда 70 дан ортиқ йигит-қизлар, Ҳиндистонда эса ўзбекистонлик 50 дан зиёд талабалар таъсил олган.

Таълим соҳасидаги ҳамкорлики

янада ривожлантириш бўйича икки томонда ҳам қатор амалий тақлифлар бор. Жумладан, қўшма таълим дастурлари ишлаб чиқиш, техника ва тиббиёт соҳасидаги ҳамкорлиқнинг ахборот технологиялари, менежмент ҳамда фармакология йўналишларини янада кенгайтириш, Ҳиндистон маданий алоқалар кенгаши (ICCR) ва Ҳиндистон техник ва иқтисодий ҳамкорлик дастури (ITEC) томонидан Ўзбекистон вакилларига ҳинд университетларида ўқиш, илмий муассасаларида малака ошириш ва тадқиқотлар олиб бориш учун ажратиладиган стипендиялар (грантлар) сонини ошириш масалалари кун тартибидан ўрин олган.

— **Шу ўринда ахборот технологиялари ва инновациялар мавзусига алоҳида тўхталишингизни истардик.**

— Ҳиндистоннинг бу соҳалардаги салоҳиятига таъриф беришга, меним-

Давлатимиз раҳбарининг 2019 йил 7 январдаги “Тошкент шаҳрида Аммити университетини ташкил этиш тўғрисида”ги қарори асосида Аммити университети пойтахтимизда ахборот-коммуникация технологиялари, жумладан, дастурий таъминот мутахассислиги ва сунъий интеллект, ахборот технологиялари маркетинги йўналишларида олий таълим кадрлар тайёрлашни бошлади. Бу ерда 20 га яқин юқори малакали ҳиндистонлик мутахассислар дарс бераётгани ҳам таълим сифати даражасидан далолат бериб турибди.

Инновациялар соҳасидаги лойиҳалар ҳам ҳаётга жадал татбиқ қилинмоқда. Масалан, Инновацион ривожланиш вазирлигининг янги биносида Ҳиндистоннинг “Routern.com” компанияси билан ҳамкорликда “Ақли бино” механизми жорий этилди, вазирлик ҳузуридаги Илғор технологиялар марказида сунъий интеллектга асослан-

2018 йил баҳори ва кузида Дехли, Калькутта ҳамда Мумбай шаҳарларида Ўзбекистон маданият қўнлари ва ўзбек киноси фестивали ўтказилиб, маҳаллий халқ томонидан катта қизиқиш билан кутиб олинди.

Халқларимиз санъат намояндалари Ўзбекистон ва Ҳиндистонда ўтказиладиган фестивал, конференция ҳамда бошқа анжуманларда мунтазам қатнашади. Самарқанд шаҳрида 2019 йилги “Шарк тароналари” халқаро мусиқа фестивалида “Ҳиндистон — Ўзбекистон” дўстлик жамияти раиси Анил Шастри, “Debariga & Samanwaya” мусиқий жамоаси, Термиз шаҳрида Халқаро бахшичилик санъати фестивалида “Jodhpur Riff” фестивали директори Дива Бхати, 2020 йил “XXI аср халқ рақси” — “Бухоро жиллолари” халқаро илмий конференциясида мусиқашунос олим Пател Парул Прабхад қатнашди.

Ўз навбатида, Ўзбекистон Ички ишлар вазирлиги Маданият саройи иходий гуруҳи Дехли халқаро фестивалида бизнинг миллий санъатчиликни намойиш этди, мамлакатимизнинг нуфузли делегацияси Харианя штатида “Surajkund Crafts Mela” санъат, маданият ва ҳунармандлик фестивалининг меҳмони бўлди.

Кино санъати халқларимизнинг ўзаро маданий алоқарида алоҳида ўрин тутди. Бу йўналишда ҳам сўнгги пайтларда эришилган амалий натижалар қўлами кенгайишда, икки давлат вакиллари ҳамкорликда бадий фильм ҳамда сериаллар тасвирга олиш бўйича лойиҳалар тайёрламоқда. “Ўзбеккино” Миллий агентлиги Ҳиндистоннинг “Wingspan group” компанияси томонидан “Бобур” сериалини Ўзбекистонда тасвирга олиш бўйича меморандум имзолди.

Ўзбекистонлик ёш киноижодкорларнинг “ITEC” дастури доирасида Ҳиндистонда малака ошириш юзасидан келишувга эришилган.

1995 йилдан буён Тошкент шаҳрида фаолият юритиб келётган Лазл Баходур Шастри номидаги ҳинд маданият марказининг икки томонлама алоқалари мустаҳкамлашда алоҳида ўрни бор, албатта.

Марказ ҳар йили ўзбекистонлик талабаларга Ҳиндистоннинг етакчи таълим муассасаларида техник ва гуманитар мутахассисликлар бўйича ўқиш учун стипендиялар тақдим этади. Бу ерда тил курслари ташкил қилинган, рақс, мусиқа, йога, ҳинд мусиқа асбобларида ижро этиш сабоқлари берилмоқда. Дарслар ҳинд ҳамда ўзбек ўқитувчилари томонидан олиб борилаётди.

Жорий йил 26 октябр кунини пойтахтимизда мазкур маданият маркази ташкил этилганининг 25 йиллиги муносабати билан Ўзбекистон халқ расоси Ақмал Нурнинг Ҳиндистон мавзусида чизилган расмлари кўргазмаси ўтказилди.

— **Албатта, туризм соҳасидаги ҳамкорлик ҳақида сўзла-масак, маданий-гуманитар алоқалар ҳақидаги таассурот тўла бўлмайди.**

— Фикрингизга қўшиламан, чунки сўнгги йилларда мазкур йўналишда ҳам салмоқли ютуқларга эришилмоқда.

2019 йил мамлакатимизга Ҳиндистондан 2015 йилдагига нисбатан



қарийб икки баравар кўп сайёҳ ташриф буюргани ҳам фикримизга далил бўли олади.

Ҳинд компаниялари “Ипак йўлида туризм” Тошкент халқаро туризм ярмаркасининг фаол иштирокчилари ҳисобланади.

2019 йил Тошкентда ўтказилган туризм соҳасидаги Биринчи инвестиция форумида ҳинд оммавий ахборот воситалари вакиллари катта гуруҳи қатнашиб, Ўзбекистон сайёҳлик ва инвестициявий салоҳияти ҳақида туркум репортажлар ва видеофильмлар тайёрлади. Бухоро шаҳрида ташкил қилинган зиёрат туризми мавзусидаги халқаро форум ҳам мамлакатларимиз тadbиркорлари учун самарали мулоқот ва ўзаро манфаатли битимларга эришиш учун қулай майдончага айланган.

Таниқли ҳинд модельер-дизайнери, шахсий бренд асосчиси Риту Бери ўтган йили мамлакатимизнинг Ҳиндистондаги туризм ва маданият элчиси этиб тайинланди. Юртдошларимиз ушбу аёл ҳақида тўлароқ тасаввурга эга бўлиши учун шунинг айтишини истардимки, Ҳиндистонда уни “Мода маликаси” ва “Ҳинд модасининг биринчи рағби”, деб аташади.

Айтай, Риту Бери ўзбек маданияти ва тарихининг мухлиси. Дизайнер ўтган йилги сентябр ойида Ўзбекистонга ташриф буюрган эди. У мамлакатимизнинг маданий жиҳатдан Ҳиндистонга яқинлиги ўзаро муносабатлари янада мустаҳкамлашда муҳим омил эканини таъкидлаб, Ўзбекистон ҳинд оилалари учун оммабоп сайёҳлик йўналишларида бирига айланишига ишонч билдирди.

Ҳиндистон аҳолиси ўртасида Ўзбекистон туризм салоҳиятини намойиш этиш ва уларни мамлакатимизга жалб қилиш бўйича қатор лойиҳалар амалга оширилмоқда. Ушбу мамлакатдаги элчионамиз Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси билан биргаликда Ҳиндистонда ташкил этилаётган кўргазма ва фестивалларда фаол қатнашиб келяпти. Уларда юртимиз имкониятлари, тарихий шаҳарларимиз ва зиёратгоҳларимиз хусусида ранг-баранг тақдиротлар ўтказилаётди.

Жумладан, юқорида айтиб ўтилган “Жўшқун Гужарат” форуми доирасида мамлакатимиз имкониятлари хусусида ахборот берадиган йирик павильон ташкил этилди. Унда ўзбек санъати, маданияти, миллий ошонамиз ва тарихий обидларимиз тасвирланган экспонатлар намойиш қилинди. Ўтган йил Ҳиндистонда уюштирилган 10 дан зиёд туристик ярмаркаларда мамлакатимиз вакиллари фаол қатнашди.

Умуман олганда, очилқик, Ўзаро англашув ва манфаатларга ҳурмат асосида бунёд этилган Ўзбекистон — Ҳиндистон муносабатлари бундан кейин ҳам мустаҳкамланиб бораверишига ишонамиз.

«Дунё» АА.

## ҚАТЪИЙ ФИКР, МУСТАҲКАМ ПОЗИЦИЯ ОРҚАЛИ ХАЛҚ ИШОНЧИ ОРТАДИ



Келгуси йилларда тамаки маҳсулотлари учун акциз солиғидан келадиган тушумларни, алкоголь маҳсулотлари учун акциз солиғи каби худудларга республика аҳолисидаги улуғшга мувофиқ тақсимланишини ҳамда Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси ва Давлат боғхона қўмитаси тегишли вазирлик ва идоралар билан биргаликда амалдаги солиқ имтиёзларини тўлиқ ҳатловдан ўтказган ҳолда қайта қўриб чиқиш ва уларни бекор қилиш юзасидан тақлифлар билдирилди.

Мамлакатимизнинг 2021 йилга мўлжалланган асосий молиявий ҳужжати қўмиталар, айниқса, сиёсий партиялар фракцияларида ҳар қачонгидан ҳам қизиган тортишувларга сабаб бўлди. Давлат бюджети тўғрисидаги қонун лойиҳаси Қонун-

чилиқ палатасига мўддатидан бир оз кечиктириб киритилиши ишларни қизиган жадвал асосида олиб боришни тақозо этди. Ҳар бир қўмита ва фракция йиғилишларида Ҳукумат аъзолари, тегишли вазирлик раҳбарлари барча саволларга ечим топилишига қўмақлашди, юзлаб тақлиф ва саволлар кўтарилди ҳамда пировард натижада улар лойиҳанинг тугал вариантида ўз ақсини топди.

Махлисида бош молиявий ҳужжат лойиҳаси юзасидан парламент вакиллари билан саволларига молия вазири Т. Ишметов, тегишли вазирлик ва идораларнинг масъулари атрафлиқ жавоб қайтардилар.

Қизиган баҳс-мунозара ва савол-жавоблардан сўнг, ушбу ҳужжат депутатлар томонидан қабул қилинди ҳамда Сенатга юбориладиган бўлди.

### Мансабдор шахсларга жарима қўллаш назарда тутилмоқда

Мажлисида “Ўзбекистон Республикасининг бюджет жараёни тақомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонун лойиҳаси биринчи ўқишда қўриб чиқилди.

Қонун лойиҳаси Мазмурий жавобгарлик тўғрисидаги ҳамда Бюджет кодекслари, Маҳаллий давлат ҳокимияти, Бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қўнунларга тегишли ўзгариш ва қўшимчалар киритишни назарда тутди. Хусусан, Мазмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга бюджет жараёнининг шаффофлигини таъминлаш, яъни вазирлик ва идоралар томонидан ўзаро-нинг расмий веб-сайтларида даврий молиявий ҳисоботларини, ўз тасарруфидаги бюджет ташкилотлари кесимида маблағлар тақсимоти ва капитал қўйилмалар ҳисобидан амалга оширилаётган лойиҳаларнинг ижроси тўғрисидаги маълумотларни ҳар чоракда жойлаштириб бориш тартибини бузганлик учун мансабдор шахсларга базавий ҳисоблаш микдорининг икки баравари микдорида жарима қўллаш назарда тутилмоқда.

Ҳисоб палатаси бюджет жараёни шаффофлиги таъминланганлигини назорат қилувчи орган этиб белгиланмоқда.

Шунингдек, Бюджет кодексига киритилаётган ўзгаришлар-

### Келгуси йил солиқ сиёсатида қандай ўзгаришлар бўлади?

“2021 йил учун солиқ сиёсатининг асосий йўналишлари қабул қилиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонун лойиҳаси муҳокамаида таъкидланганидек, ушбу ҳужжат 2021 йилги солиқ сиёсатини тақомиллаштириш, шунингдек, маҳаллий ишлаб чиқарувчиларнинг рақобатбардорчилигини ошириш, мавжуд тизимли муаммоларни бартараф этиш, солиқ маъмуричилиги самарадорлигини янада ошириш ва бюджетга солиқларнинг тўлиқ тушушини таъминлашга қаратилган.

Хусусан, қонун лойиҳаси билан Солиқ кодекси нормаларининг тўғридан-тўғри амал қилишини таъминлаш мақсадида, қатъий белгиланган микдорда ўрнатилган акциз солиғи, ер солиғи, сув ресурсларидан фой-

### Қонун лойиҳаси давлат харидларини қулайлаштиради

Ривожланган демократик жамиятларда бўлгани каби юртимизда ҳам сўнгги йилларда давлат маблағлари сарфланишига нисбатан фуқароларда бефарқлик ҳисси йўқолиб, давлат харидлари устидан жамоатчилик назорати қучайиб бормоқда. Кейинги пайтларда давлат органлари, маҳаллий ҳокимиятлар ёки давлат улуғшга эга корхоналар томонидан асосий, қиммат ёки коррупция эҳтимоли юқори бўлган харидлар амалга оширилиш эҳтимоли мавжудлигига оид хабарларнинг иқтимоий тармоқларда қўлайгани ва муҳокамаларга сабаб бўлаётгани жамоат назоратининг қучайтирилиши тақозо этмоқда.

Мажлисида депутатлар соҳадаги муаммоларни бартараф этишга қаратилган “Давлат харидлари тўғрисида”ги қонун лойиҳасининг иккинчи ўқишда атрафлиқ қўриб чиқилар. Таъкидланганидек, қонун лойиҳасида давлат харидлари соҳасида очилқик ва шаффофлигини таъминлаш, ҳар томонлама назоратнинг самарали йўлга қўйилиши бораборида давлат харидлари иштирокчиларига қўлайлик ва кенг имкониятлар яратиш орқали ҳарид қилиш тартиб-таомилларини тақомиллаштиришга қаратилган нормалар ўз ақсини топган.

Лойиҳа мамлакатнинг халқаро рейтинглардаги ўринини яхшилаш, юртимизнинг жаҳон

Зиёда АШУРОВА («Халқ сўзи»).

## ЎЗБЕКИСТОН ВА БАА ҚУЁШ ЭНЕРГЕТИКАСINI РИВОЖЛАНТИРИШ БЎЙИЧА ҲАМКОРЛИКНИ КЕНГАЙТИРМОҚДА



Мазкур лойиҳани молиялаштириш Халқаро тикланиш ва тараққиёт банкнинг 5,1 миллион долларгача микдордаги кафолати ҳамда ХМКнинг 41 миллион долларгача микдордаги займ маблағлари ҳисобига амалга оширилмоқда. Лойиҳа, шунингдек, Жаҳон банкнинг Ўзбекистондаги биринчи кафолатли операцияси бўлади. “Masdar” — Абу-Даби ҳукуматининг “Mubadala Investment Company” компаниясининг шуъба корхонаси ҳисобланади. У қайта тикланадиган энергия ишлаб чиқаришни ривожлантиришга ихтисослаштирилган етакчи халқаро компаниялардан биридир.

Компания томонидан амалга оширилган инвестициявий лойиҳалар портфели

4000 МВтдан ортиқ ҳажмда қайта тикланадиган манбалардан электр энергияси ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган қувватларни ўз ичига олган.

Шунингдек, “Masdar” компанияси Навоий вилоятида қуввати 500 МВт бўлган шамол электр станциясини лойиҳалаштириш, қуриш ва ундан фойдаланиш ишларини амалга оширади.

Янги объектни қуриш ишларини 2021 йил охиригача бошлаш кўзда тутилган. 2023 йил апрель ойида ишлаб чиқариш қувватларининг биринчи босқичи (250 МВтга) ва 2024 йил охирига қадар барча қувватни фойдаланишга топшириш режалаштирилган.

Музаффар КОМИЛОВ, «Дунё» АА.

## КИБЕРЖИНОЯТЧИЛИККА ҚАРШИ ҚАНДАЙ КУРАШИШ КЕРАК?



Жумладан, шубҳали ва ишонсиз манбалар билан боғлиқ натижаида нафақат маълумотнинг тарқалиш кетиши, балки пуларнингиздан айрилиб қолиш хавфи борлигини доимо ёдда тутиш зарур. Сир эмаски, ҳозирги кунда фуқароларнинг банк пластик карталаридаги пул маблағларини ўғирлаш ҳолатлари тез-тез учраб турибди.

Бу йўналишда хозирги кунга қадар ахборот технологияларидан фойдаланган ҳолда содир этилган 600 дан ортиқ жиноятларни аниқлашга эришилди.

Мисол учун, Тошкент шаҳар, Юнусовд туманида доимий рўйхатда турувчи, “Next” савдо мажмуасида сотувчи бўлиб ишловчи Жаҳонгир ариза билан мурожаат қилиб, 10 май кунини ўзига тегишли бўлган банк пластик картасидан 2.020.000 сўм микдоридagi пулни номаълум шахс “Telegram” ижтимоий тармоғидаги “Click ва UzCard rasmiy Dilleri” номли аккаунти орқали номаълум йўллар билан ечиб

олганлигини маълум қилган. Ушбу ҳолат юзасидан Тошкент шаҳар ИИББ Тезкор-қидирув бўлими ва Юнусовд тумани ИИО ФМБ Жиноят қидирув бўлими ходимлари билан ҳамкорликда олиб борилган тезкор суриштирув ишлари натижасида айбдор Фаргона вилояти, Бешарик туманида доимий рўйхатда турувчи, Фаргона давлат университети талабаси бўлиш бораборида мактабгача таълим муассасасида инглиз тили ўқитувчиси бўлиб ишловчи Пиримкул Ж. эканлиги аниқланди ва ушланди. Ҳолат юзасидан у билан олиб борилган суриштирув натижасида жиноий ҳаракатларини амалга ошириш мақсадида май ойининг бошларида “Samsung J” русумли телефон аппарати ва интернет тармоғи орқали АҚШда рўйхатга олинган +1(747)251-5148 SIP телефон рақамига “Telegram” ижтимоий тармоғида “Click ва UzCard rasmiy Dilleri” номли аккаунти билан ечиб

китолари номида “Telegram” ижтимоий тармоғида гуруҳ оуначиларининг ишончига кириб, алдов йўли билан уларга тегишли бўлган банк пластик карталарининг барча маблағини интернет тармоғи орқали Р2Р халқаро пул ўтказмалар тизимига уланиб ечиб олган. Жиноий йўл билан топишган жами 8.000.000 сўм микдоридagi маблағлар интернет тармоғи орқали легаллаштириб, отаси номига Миллий банк томонидан расмийлаштирилган Виртуал банк пластик картасига ўтказиб юборганлигини маълум қилди. Фуқаро Пиримкул Ж.нинг “Samsung J” русумли телефон аппарати қўздан кечирилганда, “Click ва UzCard rasmiy Dilleri” номли аккаунти, “ClickBOT” аккаунтида виртуал банк пластик картаси борлиги аниқланди, виртуал банк пластик картасида 19.283.000 сўм микдорида маблағ мавжудлиги аниқланди. Ҳозирда ушбу жиноятга алоқадор фактлар атрафлиқ таққилимоқда.

Бу каби ҳолатлар Олий Маж-

## Замонамиз қаҳрамонлари

Мантиқ тарозисининг бир палласига инсон соғлиғио иккинчи палласига, айтайлик, бу дунё моддий неъматларининг, наздимизда, энг бебаҳо, ноёбу камёб бўлиб туюлганлари қўйилса ҳам, қадру қиммат жиҳатидан биринчи палла салмоғи олдида иккинчисиники енгил хас мисоли бўлиб қолади. Агар тарозининг бир палласига кишининг умри қўйилса-чи, иккинчи томонга... Йўқ, бу дунёда айни ғанимат, бетақдор неъмат — ҳаётнинг тенги, ўрнини босиши мумкин бўлган ҳеч нарса йўқ. Бу оддий ҳақиқат!

# ҲАМШИРАЛИК — ШАРАФ, МУКОФОТ!

Умрини сақлаб қолиш, хавф ҳаттардан омон ўтиш, ҳатто озгина бўлса-да, узайтириш учун одам беласи нималарга рози бўлмайди, нималарга чидамайди?! Умр йўллари тақдирининг пасту баланд кўчаларидан, саратону қаҳратон иқлимларидан, ширину аччиқ насиба ва кўргилларидан, шодлигу аламхоналаридан ўтаверади... Барибир, Яратганнинг бу дунёда бандасига ҳаётдан ширинроқ тўхфаси, мурувати бўлмас.

Президентимизнинг Фармони билан коронавирус пандемияси туфайли юзага келган мураккаб ва синови қуларда ҳаёти ҳамда соғлиғини хавф остига қўйиб, мавжуд хатарларга қарши курашиш, инфекция кенг тарқалишининг олдини олиш, юртимизда санитар-эпидемиологик осойишталикни таъминлаш ишларига қўйган муносиб ҳиссаси, ўзининг матонати, билим ва салоҳияти, профессионал маҳоратини намоян этиб, аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш, беморлар ҳаётини асраш, уларга эътибор ҳамда ғамхўрлик кўрсатиш борасидаги алоҳида хизматлари, шунингдек, ўз бурчи ва қасамёдига содиқ қолиб, зиммасига юкланган вазифаларни бажариш йўлидаги жасорати ҳамда фидойилиги учун фахрий ўнвон, орден ва медаллар билан мукофотланган бир гуруҳ юртдошларимиз рўйхати билан танишар эканмиз, ҳаётдан юқоридаги фикр ўтди.

Олдиндан яхши ният қилиш, эзгу умидворлик, шубҳасиз, иродали ва қалби ўқтам кишиларнинг фазилати. Лекин шундай вазиятлар ҳам бўладики, келинг, узоққа бормай, бугунги ҳаёт ҳақиқатида тик қарайлик.

Аллоҳнинг синови — COVID-19 пандемиясидан қутилиш учун Ер юзининг барча мамлакатлари аҳли бирдек шифо сураб, чора изламоқда. На-жот туйнуқлари қачон, қарерда очи-

лишини кутиб, излаб бораётган инсониятнинг бою бадавлат, шунингдек, ўта эҳтиёжманда қатламлари вал-киллари ҳам бу дарддан қочиб қуту-лолмапти. Касалликка чалинганлар сони кун сайин ортмоқда, вафот эт-ганлар гўёки кеч кузакда дарахт-лардан тўкилган заъфарон япроқ-лар каби. Дуоларда беморларга шифо ва албатта, ўзимиз ҳамда яқинларимизга, барчага омонлик — паноҳида асрашини ўтинамиз. Шун-дай пайтда ҳудди ёниб турган олов-нинг ичига кирган каби, гирдобла-ри бор асов дарёга ўзини ташла-гандек ҳаёту мамот ўртасида кура-шишга-да ҳоли қолмаган, ёнига кел-ган одамга “йиртқич” дардчи юқти-риши мумкин бўлган беморларнинг дардини енгиллатиш, аритиш иши-га ўзини бағишлаган инсонларнинг ҳаёти ҳам бир мартагина бе-рилган...

Мукофотланганларнинг жуда кўпчилиги аёллар — опа-сингилларимиз. Ва улар билан ёнма-ён — пандемия билан юзма-юз туриб халқ соғлиғи учун курашаётган тиббиётимизнинг муҳтарама фидойилари юз, юзлаб! Уларнинг барчаси энг олий мукофотларга муносиб.

Улар азиз, ширин кунларини гаровга қўйишларига нима сабаб экан? Яна... Бундай йўлни ирода қил-ганлар орасида аёллар: зиммасида оила тинчлик-осойишталиги, фар-зандлар бугуни ва эртаси учун масъуллиқ, офтоб бўлиб хонадонин-нинг гуллаб-яшнаши, файзу фаро-ратини барқарор этмоқ вазифасини бахту саодат деб билган муҳтара-ма оналар, опа-сингиллар ҳам бор...

Кексадо нон муаллим — кўҳна тарих дархонасидан сабоқ тинглай-миз: башариёт тарихининг ҳамма

босқинчида илм-фан, маърифат, ма-даниятнинг бою бадавлат, шунинг-дек, ўта эҳтиёжманда қатламлари вал-киллари ҳам бу дарддан қочиб қуту-лолмапти. Касалликка чалинганлар сони кун сайин ортмоқда, вафот эт-ганлар гўёки кеч кузакда дарахт-лардан тўкилган заъфарон япроқ-лар каби. Дуоларда беморларга шифо ва албатта, ўзимиз ҳамда яқинларимизга, барчага омонлик — паноҳида асрашини ўтинамиз. Шун-дай пайтда ҳудди ёниб турган олов-нинг ичига кирган каби, гирдобла-ри бор асов дарёга ўзини ташла-гандек ҳаёту мамот ўртасида кура-шишга-да ҳоли қолмаган, ёнига кел-ган одамга “йиртқич” дардчи юқти-риши мумкин бўлган беморларнинг дардини енгиллатиш, аритиш иши-га ўзини бағишлаган инсонларнинг ҳаёти ҳам бир мартагина бе-рилган...

Юртбошимиз Фармонига қура “Фидокорона хизматлари учун” ор-дени билан тақдирланган Тошкент тиббиёт академиясининг кўп тар-моқли клиникиси бош шифокори Дилдора Рустамова билан суҳбат-лашарканмиз, кўпчилик тасаввур этиши ҳам қўйин бўлган фидойилик — эл соғлиғи учун ҳар қандай вазиятда камарбасталикни ҳис этдик. Бу шифокорнинг учта фарзанди, уч нафар набираси бор.

— Касбимни жуда яхши кўра-ман, — Дилдорахон гапини шун-

дай бошлади. — Беморлар ёрдамга муҳтож бўлиб турганда қандай қилиб четда туришим мум-кин?! 20 мартдан бошлаб, тўрт ой узлуксиз шифохонада бўлдим... Ана шу тўрт ой давомида оила, уч фарзандию набираларини кўргини, бағрига босгани келмайдими, соғинмайдими она?! Куну тун ҳар хил қайғити, турфа ҳолатдаги бе-морларга қараш, уларни тинглаш, англаш, кўнглини кўтариш, ҳамма-сига бирдек меҳру муҳаббат, умид улашиш осонми?!

— Бизни энг кўп қўйнаган му-аммо — айрим юртдошларимизнинг ўз соғлиқларига ўта бепарволикла-ри. Касаллик белгилари кўринган-дан кейин ҳам уйда ўзлари даво-ланмоқчи бўлиб, билиб-билмай му-олажалар қилиб, ўнглаб бўлмас ахволга тушиб қолаётганлар оз эмас. Баъзиларнинг ўзи ва атро-фидогилар соғлиғига ўта эътибор-сизлиги оғир ҳолатларга асосий сабаб бўлди.

бемор келиб тушганида хизматда бўлганини айтишди. Беморлардан ўзим вирус юқтириб олиб давола-ниб келиб, “Ҳамшира сифатида ҳам, коронавирусни бошидан кечирган тахрибали маслаҳатчи сифатида ҳам беморларга ёрдам беришим керак”, деб ана ишга қайтибди.

Қадим китобларда ширинсўз, му-лойим, меҳру муруватли, ғамхўр аёлларни таърифлашда “ҳамшира”



Хосон ПАЙДОНОВ оғлон сурат.

Бир кун и ўттиз ёшли йигитни беҳуш ҳолда “Тез тиббий ёрдам” машинасида олиб келишди, у на-фас ололмай қолганди. Сопла-соғ юрган экан, коронавирус юқтирган-ини билгандан кейин ҳам ўзича дори ичиб, ишга бориб келаверган.

Оила аъзоларини ҳам хавфга қўйган, касалини юқтирган... Шифохонамиз-да керакли дори-дармонлар, замонавий тиббий анжомлар етарли бўлишига қарамай, йигитга ёрдам беролмадик, чунки дард унинг аҳо-лини ўта оғир даражага келтириб бўлган экан. Коронавирусни енгил-да инсон руҳиятининг тетик бўлиши жуда катта аҳамиятга эга эканини кўриб турибмиз. Умидсизлик, қай-фиятсизлик дарднинг оғирлашуви-га олиб келади.

Фаргона вилояти, Ёзёвон тумани тиббиёт бирлашмаси юқмли ка-салликлар бўлими ҳамшираси, “Соғлом турмуш” медали соҳиби Турсуной Ибрагимова билан теле-фон орқали боғланмоқчи бўлдик. Лекин у беморларни муолажа қилиш билан бандлиги, ҳали бушамасли-гини айтишди. Ҳамкасблари Турсунойнинг 28 йилдан бунён шу ерда ишлашини, 23 март кунги ши-фохонага коронавирус юқтирган илк

сўзини ишлатганлар. Ҳа, бу кенг маъноли сўзга муносиблик аёл учун нечоғли шараф, ярашмил!

Мукофотланганларнинг олти на-фари вафотидан кейин “Жасорат” медали билан тақдирланган. Улар, наздимизда, эзгу мақсад йўлида орқа-олдига қарамай курашга да-дил кирган қаҳрамонлардир. Зеро, шундай кишилар борки, улар элу юрта фидойилик, жасорат, ҳолис-лик билан хизмат қилишни оддий инсоний бурч деб биладилар, фео-

Имкон бўлса, тиббиёт ходимларининг ҳар биттасини табрикла-линг, миннатдорлик билдиринг, дил сўзларини тинглагинг келади. Оқ халатли кучли тоифа вакилларига чўқур эҳтиромимизни билди-рган ҳолда, бугун чин маънода ҳаёт-мамот учун кураш кетаётган соғломлаштириш масканларида шифокор, ҳамшира, анага, хона бекаси, фаррош бўлиб меҳнат қилаётган опа-сингиллар, дугона-ларга алоҳида меҳру ташаккуримизни изхор этамиз. Ҳафтаб, ҳатто оилаб беморларга парвона бўлаётган, қули, тили, дилининг малҳа-ми билан юзлаб дардмандлар жисму руҳини енгиллаштириш, каса-лини аритиш учун курашаётган азизу мукаррамалар: “Бахтимизга ўзингиз ҳам соғ-омон бўлинг. Яхшиликнинг жаवоби яхшиликдир. Бошқаларга кўрсатган муруват, меҳрибонлик, фидойилиқларингиз, инша Аллоҳ, ўзингизга бир неча баробар ортиғи билан қайтсин!” деган тилагимизни ҳар лаҳза ҳис этиб туришингизни, Яратгандан бу ниятлар ижобатини сўраймиз.

**Муҳтарама УЛУГОВА,**  
Республика Маънавият ва маърифат  
маркази масъул ходими.

## Интилиш



## ИССИҚХОНАЛАРДА БАҲОР ТАФТИ ҲУКМРОН

Андижон вилоятидаги мавжуд 148 гектар майдондаги иссиқхоналарда баҳор тафти ҳукмрон. Бу ерда етишти-рилиётган бодринг ва помидор кўчат-лари барабж ривожланмоқда.

Жумладан, Булоқбоши туманидаги “Нектар агро” масъулияти чекланган жамияти томонидан 2,5 гектар майдонда 200 тонна помидор, 100 тонна бодринг етиштириш кўзда тутилган.

— Бу йилги мавсумда 42 тонна помидор етиштирдик, — дейди МЧЖ раҳбари Абдуҳамид Тўланов. — Маҳсулотнинг 75 фо-зи қўшни давлатларга экспорт қилинди.

Жорий йилда вилоятдаги мавжуд иссиқ-хоналарда 13 минг тонна маҳсулот етишти-рилиб, 70 фоизи Россия, Бельгия, Қозонис-тон, Беларусь, Қирғизистон каби мамла-катлардаги харидорларга етказиб берилди.

**Саминжон ҲУСАНОВ**  
(«Халқ сўзи»).

\*\*\*

Самарқанд вилоятининг Оқдарё ту-мани Барака даҳасидаги “Samarkand Seoul Trade” МЧЖ қошида замонавий иссиқхона бунёд этилди. Маҳмуанинг умумий майдони 1 гектарга тенг.

Тадбиркор Равшан Бурҳоновнинг айтишича, лойиҳанинг умумий қиймати 13,4 миллиард сўм бўлиб, шундан 3,5 миллиарди тадбиркорнинг ўз маблағи ҳамда 980 минг АҚШ доллари хорижий банк кредити ҳисобланади. Иссиқхона қурилишида фойдаланилган жиҳозлар Жанубий Корея давлатидан келтирилди.

Асосийси, йилга 100 тонна сабзавот маҳсулотлари етиштиришга мўлжаллан-ган иссиқхонада ўнлаб фуқаролар доимий ишли бўлди.

**Абдулазиз ЙЎЛДОШЕВ**  
(«Халқ сўзи»).

## Мулоҳаза

Донишмандлардан бири “Китоб сенга лаганбардорлик қилмайдиган йўлдош ва тахирламайдиган насиҳатгўйдир”, деганида минг бора ҳақ. Зеро, ушбу сўзлар замирида чўқур маъно мужассам. Муталаа ҳаёт ҳақиқатини англашга, эзгулик ва ёвузликнинг моҳиятини тушунишга, оқни қорадан ажратишга қўмаклашиши айни ҳақиқат.



## КИТОБ — ҚАЛБ ЧИРОФИ

Китобхонликни қундалик одат-га айлантирган киши борки, бу ҳикматнинг нақадар ҳаётий ҳақиқат эканини яна бир бор англагани, шубҳасиз.

Президентимиз томонидан мамлакатимизда китобхонлик маданиятини янада юксалтириш, ёш авлодни муталаага ундаш таълим-тарбия соҳасининг ус-тувор вазифаларидан бири си-фатида қўрилаётгани бежиз эмас. Шу асосда китоб маҳсу-лотларини чоп этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, халқимизнинг, айниқса, ёшлар-нинг муталаа маданиятини оши-ришга алоҳида эътибор қар-атилимда. Давлатимиз раҳбари илгари сурган беш муҳим та-шаббус доирасида ўғил-қизлар ўртасида китобхонлик кенг тар-ғиб қилинмоқда, қутубхона-ма-даният марказлари таъмирла-ниб, замонавий шарт-шароит-лар яратилимда. Юртимизнинг энг чекка ҳудудларига ҳам тур-фа китоблардан иборат маъри-фат қарвони кириб бормоқда.

Фарзанд маънавий дунёсини бойитишда унга ёрдам беради-ган асосий восита китоб экани-ни ҳар биримиз эътироф эта-миз. Китоб билан дўстлашган қалблар ихтиролар қиладди, ноёб қобилиятга эгаллиги билан ажра-

либ туради. Шунинг учун доимо ўқиб-ўрганишдан қарчамаслик, ундан узоқлашмаслик лозим. Зо-тан, китобнинг қадри ҳаммиса юксак бўлиб қолаверади. Китоб ва билим инсониятга бахт ҳамда омад келтиради, чунки китоб ин-соннинг маънавий қиёфасини очиб беришга, билим савияси-ни бойитишга хизмат қилувчи муҳим восита ҳисобланади.

Шу боис бутун инсоният оғир синовдан ўтаётган шу кунларда вақтини самарали ўтказишнинг воситаси ҳам китоб бўлиши мум-кинлигини эътироф этишимиз керак. Биз, ўқувчилар иқтимоий тармоқлар имкониятларидан унмולי фойдаланиб, мамлакат-да китобхонликини оммалашти-ришга бутун ишбилармонлик қобилиятимиз, билимимиз ва саъй-ҳаракатларимизни сафар-бар қилишимиз лозим. Негаки, бугун бир ёқадан беш чиқариб ҳаракатлансак, имконият ҳамда эриқчиликни сулустеъмоқ қилмай китобни дўст туссак, ёшларни китобхонликка тарғиб этсак, шубҳа йўқки, истибқолимиз яна-да порлоқ бўлади.

**Дилбар ТУРСУНОВА,**  
Термиз туманидаги  
22-умумтаълим мактаби  
ўқитувчиси.

## Молия муассасаларида

# «QUANT» — ЯНГИ ИННОВАЦИОН МАҲСУЛОТ

“Банк хизматларида нақд пулсиз ҳисоб-китоблар: тезкорлик, қулайлик, ишонччилик”. “Қишлоқ қурилиш банк” акциядорлик тижорат банки томонидан ташкил этилган навбатдаги матбуот анжумани шундай номланди.

## QISHLOQ QURILISH BANK

Банк мутасаддилари ушбу мавзуни бежиз танламаган. Зеро, бугунги тезкор давр хиз-матларда ҳам тезкорликни та-қозо этипти. Рақобат майдони миждозлар билан ишлашнинг за-монавий усулларини ишлаб чи-қишни талаб қилмоқда. Бундай хизматлар кўрсатишнинг ҳуқуқий асослари мустаҳкамлан-гани эса банклар фаолиятида айни муддао бўлмоқда.

Хусусан, 2018 йил 23 март кунин “Банк хизматлари омма-боплигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги Президент қаро-ри қабул қилинган бўлса, 2018 йил 30 майда Молия вазир-лиги, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлан-тириш вазирлиги ҳамда Марка-зий банк томонидан “Контактсиз тўловлар, шу жумладан, халқаро тўлов тизимларидан фойдалан-ган ҳолда ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш ҳамда бу со-ҳадagi норматив-ҳуқуқий база-ни ривожлантириш бўйича” чора-тадбирлар комплекси тас-диқланган. Мазкур ҳужжатлар банк тизими фаолиятини замон талаблари асосида тақомил-лаштириш, миждозларга кўр-сатилётган хизматлар сони ва сифатини янада яхшилаш, қулайлиги, ҳаммабоплигини таъ-минлашга хизмат қилмоқда.



бейжинг карточкалари ҳамда “VISA classic” ва “VISA Gold” халқаро тўлов карталари муо-малага чиқарилди.

Банк томонидан бу борадаги изланишлар мунтазам равишда давом эттирилмоқда. Биноба-рин, банк активларида ҳусусий сектор улушини 15 фоиздан 60 фоизга оширишга қаратил-ган 2020 — 2025 йилларга

мўлжалланган Ўзбекистон Рес-публикаси банк тизимини ислоҳ қилиш стратегиясини амалга ошириш ҳамда мамлакат тижо-рат банкларининг трансформа-ция жараёнини жадаллаштириш бўйича тизимли ислохотлар на-тижасида тижорат банклари

ўртасидаги рақобат муҳити ҳам ўсиб бормоқда.

Матбуот анжуманида банк масъул ходимлари миждозлар учун тақдим этилаётган янада қулай янги хизмат турлари бо-расида батафсил маълумот бер-дилар.

Хусусан, “Қишлоқ қурилиш банк” АТБнинг янги “QUANT” мо-биль иловасининг оммавий ах-

борот воситалари ходимлари учун илк тақдироти ўтказилди. Ушбу илова орқали банк ми-ждозлар учун дунёнинг исталган нуқтасидан туриб коммунал тўловлар, онлайн конверсия амалиётлари, P2P амалиётлари, кредит тўловлари, омонат хиз-мати ва бир қатор тўловларни амалга ошириш имкониятига эга бўладилар. Мобиль илова ўзининг тезкорлиги, қулай ин-терфейс ва замонавийлиги би-лан рақобатчиларидан ажралиб туришга эътибор қаратилди.

Банк карталари бизнесини ривожлантириш департаменти бошлиғи Жавоҳир Алимовнинг айтишича, мобиль илованинг PRO ҳамда LITE версияси мав-жудлиги ундан қулай фойдала-ниш имконини беради. “QUANT” бош саҳифа, тўловлар, ўтказма-лар, хизматлар ва созламалар бўлимларидан таркиб топган.

Бош саҳифада онлайн банк хизматлари билан танишиш, карталарни қўшиш, шунингдек, карталарнинг умумий ҳамда алоҳида баланслари ҳақидаги маълумотларни олиш имконият-лари яратилган.

Мобиль илованинг тўловлар бўлимида 500 дан ортиқ хизмат-лар учун тўловларни амалга оши-риш имконияти мавжуд. Хусусан, мобиль алоқа, коммунал хизмат-лар, телевидение, интернет про-вайдерлар, давлат хизматлари, телефон ва ҳаттоки, хайрия мақ-садлари қамраб олинган.

Ўтказмалар бўлимида эса “Қишлоқ қурилиш банк” АТБ ва бошқа тижорат банклари томо-нидан эмиссия қилинган пла-стик карталарга пул ўтказмалари P2P амалиётларини амалга оши-риш мумкин.

Ҳеч кимга янгилик эмас, қатор банклар томонидан бу каби иловалар ишлаб чиқилиб, фаол тарғиб қилинмоқда. Шу сабаб, мавжуд рақобат шароити-да ўз ўрнини топиши учун “QUANT” мобиль иловаси-да бошқа рақобатчилар томонидан қўлланмаган хизмат йўлга қўйилди. Яъни у орқали “NFC” те-хнологияси асосида контактсиз тўловлар ва пул ўтказмаларини амалга ошириш мумкин. Энди “QUANT” мобиль иловаси би-лан савдо шоҳобчалари, хизмат кўрсатиш, умуман, “HUMO” тер-миналлари мавжуд бўлган бар-ча нуқтада фақат телефон ёрда-мида тўлов амалга оширилиши мумкин.

Бундан ташқари, яна бир ян-гилик шуки, мобиль илова ор-қали бириктирилган “HUMO” картадаги маблағни NFC техно-логияси орқали бошқа “HUMO” картасига ўтказиш мумкин.

Қолаверса, илованинг банк хизматлари бўлими орқали кар-таларни бошқариш, ҳисоблар тўғрисида маълумот ва мони-торинг, конверсия, омонат шу-нингдек, кредит амалиётлари бажарилади.

Қисқача айтганда, “QUANT” мобиль иловаси миждозларнинг масофадан туриб банк хизмат-ларидан тезкор ва сифатли фойдаланиш истагига тўла мос келади.

Иловани PlayMarket ва

AppStore орқали юклаб олиш

мумкин.

**Банк ахборот хизмати.**

*Хизматлар  
лицензияланган.*

## Халқ сўзи Народное слово

**МУАССИСЛАР:**  
Ўзбекистон Республикаси  
Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,  
Ўзбекистон Республикаси  
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

### Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма ГИ — 1256. 29 857 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоқси қилинган нархда.

Газетанинг ҳақидаги маълумотларни юклаб олиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.



**ТЕЛЕФОНЛАР:**  
Девонхона 71-233-52-55;  
Котибият 71-233-10-28; Ўзлонгар 71-232-11-15.



“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили:  
Буюк Турон кўчаси, 41. ЎЗА яқини — 22.15 Топширилди — 00.05 1 2 3 4 5 6